

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВ ИСРОИЛ ИБРОҲИМОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ**  
**ДЕПОЗИТ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Жўраев Исроил Иброҳимович**

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини  
мустаҳкамлаш ..... 3

**Жураев Исроил Иброхимович**

Укрепление депозитной базы коммерческих банков  
Республики Узбекистан ..... 27

**Jurayev Isroil Ibrohimovich**

Strengthening the deposit base of commercial banks  
of the Republic of Uzbekistan ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖЎРАЕВ ИСРОИЛ ИБРОҲИМОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ**  
**ДЕПОЗИТ БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.1. Phd/Iqt479 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исаков Жанабай Якыпбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Олимжонов Одил Олимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Дусқобилов Умиджон Шарофиддинович**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34, факс: (71) 234-46-26, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. тел.: (71) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Э.Ташмурадова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.И.Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Тижорат банклари депозит базасининг мустаҳкамлиги халқаро амалиётда банкларнинг молиявий барқарорлиги тарзида қўлланилади. «Молиявий барқарорлик молиявий муассасалар, молия бозорлари ёки молия инфратузилмалар маблағларининг эндоген таъсирлар остидаги рискларга бардошлилик даражасидир»<sup>1</sup>. Халқаро ва маҳаллий банк амалиётида тижорат банклари молиявий барқарорлигидан, нафақат тижорат банклари балки Марказий банклар ҳам кучли ва табиий жиҳатдан манфаатдордирлар. Бироқ, кейинги йилларда халқаро молия институтларида ҳар 5-10 йилда рўй берадиган молиявий-иқтисодий инқирозлар дунёнинг барча мамлакатлари банклари молиявий муносабатларида қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, «дунё миқёсида глобал молиявий инқироздан олдин, 93 мамлакатда чорак аср мобайнида молиявий муассалаларда 117 марта тизимли ва 50 дан ортиқ жиддий молиявий муаммолар юз берди»<sup>2</sup>. Мазкур инқироз ҳолатлари миллий ва халқаро даражада тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ресурс салоҳиятини янада мустаҳкамлаш юзасидан аниқ талаблар қўйишни тақозо этади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари Марказий банклари, йирик тижорат банклари, Базель қўмитаси, Халқаро валюта жамғармаси каби қатор молия муассасалари томонидан тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур илмий тадқиқот ишларида тижорат банклари молиявий ресурслари манбалари, молия бозори инструментлари, депозитларни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантириш масалалари очиб берилган. Бироқ, тадқиқотларда тижорат банкларида муддатли депозитларни жалб қилиш ва ҳажмини ошириш, омонатчиларга тўланадиган фоиз тўловларининг «жалб қилувчанлик» даражасининг заифлиги, банкларнинг ресурслари таркибида ва мамлакат ЯИМга нисбатан депозитлар улушининг пастлиги каби масалалар етарлича очиб берилмаган. Хусусан, тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигини таъминлашда аҳоли қўлидаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга тўлиқ жалб қилиш, муддатли депозитларнинг асосий суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлиқ ва ўз вақтида қайтариш билан боғлиқ масалалар долзарблигини сақлаб турибди. Буларнинг барчаси тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлигини таъминлашда уларнинг фаолиятига аҳоли ва миқозларнинг ишончининг юқорлиги муҳим аҳамият касб этади, шунингдек депозит базасининг мустаҳкамлигини таъминланганлиги эса, банкларнинг фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни ижобий ҳал этиш имконини беради. Мамлакатимиз

<sup>1</sup> J. Fell and G. Schinasi (2005), «Assessing Financial Stability: Exploring the Boundaries of Analysis», National Institute Economic Review, No 192, April, pp. 102-117.

[https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/fsr/art/ecb.fsrart200512\\_01.en.pdf?f20eaf76d11c8410c68157e6401ff3a](https://www.ecb.europa.eu/pub/pdf/fsr/art/ecb.fsrart200512_01.en.pdf?f20eaf76d11c8410c68157e6401ff3a)

<sup>2</sup> Financial stability: 10 questions and about seven answers. Speech delivered by Mr Jaime Caruana, General Manager of the BIS, at the 50th Anniversary Symposium of the Reserve Bank of Australia, Sydney, 9 February 2010. <https://www.bis.org/speeches/sp100209.htm>

иктисодиётини инновацион ривожлантириш шароитида банк хизматлари кўлами ва сифатини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлашда «...янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш»<sup>3</sup> вазифаси белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сонли «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини иакомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва ушбу соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари депозит операцияларининг шаклланиши, уларнинг барқарорлигини таъминлаш борасида бир қатор хорижий ва маҳаллий олимлар ўзларининг тадқиқотларини олиб боришган. Мазкур масала юзасидан хорижлик иқтисодчи олимлар О.Лаврушин, Л.Батракова, О.Жилан, М.Ковалев, А.Осмоловский, П.Роуз, Э.Родэ, О.Семибратова, Л.Падалкина, К.Кэмпбеллларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.<sup>4</sup>

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев, У.Д.Ортиқов, Б.Б.Бабаев, Ш.Б.Рўзметовларнинг илмий ишларида тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш масалалари тадқиқ этилган.<sup>5</sup>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

<sup>4</sup> Лаврушин О.И. и др. Банковское дело/ учебник. Москва.КНОРУС, 2016 – 795с. Коммерческие банки и их операции. – М.: Банки и биржи, 2015. – 311 с. Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка. Учебник для вузов М.: Логос, 2005. – 325 с. О.Жилан. Депозитная политика коммерческого банка. – Иркутск: Изд-во БГУЭП, 2013 – 107 с. Ковалев М.М., Осмоловский А.Д. Оптимальная структура портфеля банка. Сб. науч.статей подобщ. с – 12, 2003 г. Роуз П.С. Банковский Менеджмент Пер. с англ. – Москва – Дело: 2003. – 768с., Родэ Э.М. Банки, биржи, валюты современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1986. – 358с., Семибратова О.И. Банковское дело. Москва.Академия, 2004. – 218с., Падалкина Л.С. Современная денежно-кредитная система капитализма. – М.: ВЗФЭИ, 1982. – 489 с. John Y. Campbell, Andrew Wen-chuan Lo,»The Econometrics of Financial Markets»1994 у.

<sup>5</sup> Абдуллаева Ш.З. Банк иши./ Дарслик. – Тошкент.: «Iqtisod-Moliya», 2017-732 б. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 35 б., Омонов А.А, Қоралиев Т.М «Пул ва банклар» Дарслик. Т.: – «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2019 й. – 461 б. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. «Молия, пул муомаласи ва кредит» и.ф.н. дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – 19.09.2008. – Т., 2008. -20 б., Бабаев Б.Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использование. Автореф. дис...

Хусусан, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари ва тадқиқот ишларида тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш, банк депозитлари таркибида барқарор маблағлар салмоғини ошириш зарурлиги, узоқ муддатли кредит қўйилмалари ва муддатли депозитлари ўртасидаги номутаносиблик мавжудлиги, банкларнинг депозитлари барқарорлик кўрсаткичлари халқаро андозаларда белгиланган талаблар даражасидан паст эканлиги каби масалалар тадқиқ этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида тижорат банкларига узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилишнинг бозор тамойиллари ва механизмлари асосида уларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш масалалари яхлит тарзда иқтисодчи олимларимиз томонидан махсус, илмий тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» йўналиши доирасидага амалга оширилиб, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига мос келади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлашга доир таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:**

тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашнинг илмий-назарий асосларини қиёсий тадқиқ қилиш;

тижорат банклари депозит операцияларини амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва мустаҳкамлигини тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганиш;

тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлаш бўйича хориж тажрибасининг самарали усулларини Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари депозит базасининг амалиётдаги ҳолатини таҳлили асосида унга баҳо бериш ва мустаҳкамлигини янада ошириш бўйича амалий тавсиялар шакллантириш;

тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигини таъминлашда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимлари юзасидан тавсиялар бериш;

тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлашга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги йирик тижорат банклари, хусусан, АТИБ «Ипотека банк» ва АТБ «Агробанк»нинг депозит операциялари билан боғлиқ фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тижорат банклари депозит базаси барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш жараёнида юзага келадиган молиявий ҳамда иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаш, таркибий, қиёсий, омилли таҳлил усуллари ва молиявий коэффициентлар усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

тижорат банклари ресурслари таркибида узоқ муддатли депозитлар улушини ошириш ва банкнинг соф фоизли спред кўрсаткичининг барқарорлигини таъминлашда мамлакатимиздаги инфляция даражасини инобатга олиш таклиф этилган;

тижорат банклари узоқ муддатли кредитлари ва муддатли депозитлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш орқали банклардаги трансформация рискинни самарали бошқариш таклиф этилган;

банк капитали таркибида давлат улуши юқори бўлган тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозит сертификатлари чиқариш ва уларга тўланаётган фоизлар барқарорлигини таъминлаш орқали банк тизими депозит базасини мустаҳкамлаш таклиф этилган;

мамлакатимизда капитали таркибида давлат улуши юқори тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозит маблағларининг улушини ошириш орқали уларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

депозитлар бўйича фоиз тўловларни амалга оширишда инфляция даражасини инобатга олиш хусусидаги таклифининг амалиётга жорий этилиши банкларнинг узоқ муддатли депозитлари ҳажмини ошишига хизмат қилган;

банкларнинг рискли активлари ва муддатли маблағлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш хусусидаги таклифи амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган ва бунинг натижасида банкларнинг трансформацион риск даражасини пасайтирган;

банкларнинг депозит сертификатларини эмиссия қилиш зарурлиги ҳақидаги таклифни амалиётга жорий қилиниши, уларнинг депозитлари таркибида ушбу манба ҳажмини оширишга олиб келган;

капитали таркибида давлат улуши юқори бўлган банкларнинг ресурслари таркибида узоқ муддатли депозитларни жиддий ошириш зарурлиги тўғрисидаги таклифи амалиётда қўлланилиши натижасида уларнинг ликвидлилигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатган.

**Олинган натижаларнинг ишончилиги** тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга қаратилган назарий ва амалий муаммоларга бағишланган тадқиқотчи муаллифларнинг илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси, тижорат банклари молиявий ҳисоботлари ва статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини ошириш ва амалиётини такомиллаштириш юзасидан илмий қарашларни бойитиши билан белгиланади. Тижорат банклари депозит базаси барқарорлигини таъминлашда, унинг усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда, шунингдек бу борада амалга оширилаётган тадқиқот ишларида ҳамда «Пул ва банклар», «Банк иши», «Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва уларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни республикада тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Тижорат банкларининг депозит базасини мустаҳкамлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашда уларга тўланаётган ўртача фоизларни ҳисоблашда мамлакатимиздаги инфляция даражасини инобатга олиш таклифи АТИБ «Ипотекабанк»нинг фоиз сиёсатида ўз аксини топган ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотекабанк»нинг 2019 йил 14 августдаги 16/6415-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши банкка аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳажмини оширишга ижобий таъсир кўрсатди, натижада банкнинг муддатли депозитлари 2019 йил 1 ярим йилликда 21,5 фоизга ошириш имконини берган;

тижорат банклари узоқ муддатли кредитлари ва муддатли депозитлари (асосан 1 йилдан ортиқ) ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш орқали банклардаги трансформация рискинни самарали бошқариш таклифи АТИБ «Ипотекабанк»нинг рискларни бошқариш амалиётига жорий этилган (АТИБ «Ипотекабанк»нинг 2019 йил 14 августдаги 16/6415-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши тижорат банкида юзага келиши мумкин бўлган трансформация рискинни самарали бошқариш билан бирга 1 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларни 110 млрд. сўмга ошириш имконини берган;

банк капитали таркибида давлат улуши юқори бўлган тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозит сертификатларини чиқариш орқали тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш таклифи АТИБ «Ипотекабанк»нинг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда инобатга олинган ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотекабанк»нинг 2019 йил 14 августдаги 16/6415-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши АТИБ Ипотека банкнинг муддатли депозит сертификатлари ҳажмини ортишига ижобий таъсир кўрсатиб, банк томонидан 2019 йил 1 ярим йилликда 17 млрд. сўмлик муддатли молиявий маблағларни жалб этиш имконияти яратилган;

Капиталида давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улушини ошириш бўйича стратегия ишлаб чиқиш таклифи АТИБ «Ипотекабанк»нинг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда

инобатга олинган ва амалиётга жорий этилган (АТИБ «Ипотекабанк»нинг 2019 йил 14 августдаги 16/6415-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф банк томонидан амалиётга жорий этилди ва банкнинг 2019 йил 2-чорак яқунлари бўйича умумий депозитлари ҳажмини 11,3 фоизга ошириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан 8 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган. Диссертация ҳажми 122 бетдан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** номли биринчи бобида, тижорат банклари депозит операциялари ва унинг барқарорлик даражаси тўғрисидаги назарий қарашлар эволюцияси, илғор хорижий давлатлар банк амалиётида тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган.

Тижорат банклари фаолиятини жалб қилинган ресурсларсиз, яъни етарли даражада барқарор ресурс таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис тижорат банклари депозитлари банкларнинг актив операциялари самарадорлигини оширишда, унинг янги молиявий хизматлари кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда банкларнинг рақобатбардошлик даражаси миллий чегаралардан ўтиб глобал даражага чиққан бир пайтда банк депозитлари мустаҳкамлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шундай экан, тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлигини таъминлашнинг назарий жиҳатларини таҳлил қилиш, уни мустаҳкамлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади.

Иқтисодчи олимлар томонидан банк депозитларининг барқарорлик даражаси хусусида турли хил қарашлар мавжуд.

Хорижлик бир қатор иқтисодчи олимлар-Н.Д.Белостоцкая, Т.В.Никитина ва В.И.Колесниковларнинг фикрича, «банк депозитларининг барқарорлик даражаси энг паст ҳисобланган депозит тури талаб қилиб олингунча депозитлар ҳисобланади, чунки депозит эгаси хоҳлаган вақтда депозитга қўйилган маблағларни қайтариб олиши мумкин, аксинча, банкларга қўйилган муддатли депозитларни қайтариб олиш муддати қонун ҳужжатлари билан қатъий белгилаб қўйилганлиги туфайли маблағларни белгиланган муддатдан олдин олиб қўйиши мумкин эмас»<sup>6</sup> деб эътироф этишади. Бу хусусда барча олимларнинг фикрларини яқдил деб бўлмайди. Масалан, хорижлик иқтисодчи олимлардан бири И.Т.Балабанов<sup>7</sup> ўзининг «қолдиқлар назарияси»да «талаб қилиб олингунча депозитларнинг барқарор қисмидан узоқ муддатли актив операцияларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин», деб таъкидлаган. Хорижлик таниқли иқтисодчи олим О.И.Лаврушин<sup>8</sup> ҳам, ўз навбатида, ушбу фикрни қўллаб-қувватлайди. Чунки банк депозитлари сифатини аниқлашнинг асосий мезони уларнинг мустаҳкамлигидир. Яъни, депозитларнинг мустаҳкамлиги қанчалик юқори бўлса, банкнинг ликвидлиги ва тўловга қобиллиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Бунда депозитларнинг мустаҳкамлик даражасининг юқори бўлиши талаб қилиб олингунча депозитларнинг доимий барқарор қолдиққа эга бўлишини талаб этади.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, банк депозитларининг мустаҳкамлик даражаси хусусида ҳам иқтисодчи олимлар ўртасида турли хил қарашлар мавжуд.

Ўз навбатида, маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Омонов<sup>9</sup> ўзининг илмий тадқиқотларида банк депозитлари таркибида трансакцион депозитлар жами депозитларга нисбатан 30 фоизни ташкил этиши мақсадга мувофиқлиги қайд этилган. Албатта, тижорат банклари вакиллик ҳисобварақлари бўйича ўрнатилган ушбу меъёр орқали уларнинг тўловга лаёқатлилигини тўлиқ таъминлашнинг имкони бўлмаса-да, аммо иқтисодиётда кескин тебранишлар ва иқтисодий инқирозлар юз бермаган шароитда ушбу талаб ўзининг ижобий натижасини бераётганлиги баён этилган.

Фикримизча, муаллиф депозитлар таркибида трансакцион депозитларни ўрнатилган меъёрлар орқали бошқариш депозит базасини мустаҳкамлаш ва банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий манбаси сифатида эътироф этган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан бири Ш.Б.Рузметов<sup>10</sup> ўз тадқиқотларида тижорат банклари депозит портфелини шакллантиришда асосий эътибор депозитлар баҳоларининг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозимлиги

<sup>6</sup> Белостоцкая Н.Д. и др «Банковское дело». Учебник. – М.: «Финансы и статистика», 2002.489 с.

<sup>7</sup> Балабанов А.И., Боровкова Вик. А., и др. Банки и банковское дело: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2007 – 448с.

<sup>8</sup> Лаврушин О.И. Банковский менеджмент: учебник / кол. авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009 – 560с.

<sup>9</sup> Омонов А.А. «Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари» мавзусидаги иқт.фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: 2008 й. 264 б.

<sup>10</sup> Ш.Б.Рузметов «Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари» мавзусидаги иқт.фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент: 2009 й. 116 б.

таъкидлаган. Шунингдек, муаллиф тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини брутто депозитлар ҳажмида ҳисобга олиш ҳамда ушбу суммага трансакцион депозитлар миқдорини камайтиришни мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этиб ўтади.

Муаллифнинг фикрига кўра, депозитлар барқарорлигини таъминлашда депозитлар учун тўланаётган фоизларни барқарорлиги асосий омил сифатида баҳоланмоқда. Шунингдек, трансакцион депозитларни барқарор қолдиғини банк учун барқарор депозит сифатида белгилаш лозимлигини таъкидлайди. Биз ҳам мазкур фикрни қўллаб-қувватлаймиз, чунки тижорат банклари йирик миждорларнинг трансакцион депозит ҳисобрақамларида, одатда, йирик миждорда маблағлар жамланади. Мазкур депозитлардан банклар ўз актив операцияларини амалга оширишда самарали фойдаланиши, уларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан У.Д.Ортиқовнинг фикрича, тижорат банклари депозит стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллашда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банкларининг депозит сиёсатида қўлланилаётган тактик воситаларнинг қай даражада депозит стратегиясига мос келаётганлигини аниқлаш имконияти тижорат банки депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида юзага келади.<sup>11</sup>

Ҳозирги кунда мамлакатимиз банк амалиётида банк депозитлари мустаҳкамлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизими мавжуд эмас. Мамлакатимиз банк амалиётида АҚШнинг CAMELS тизимида кўрсатилган методикадан фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатида депозит базаси мустаҳкамлигини тавсифловчи биронта ҳам кўрсаткични келтириб ўтмаган. Шунингдек, мамлакатимиз Марказий банки томонидан тижорат банклари депозит сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича умумий мезон мавжуд эмас.

Иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларини тадқиқ қилган ҳолда бизнинг фикримизча, банкнинг депозит базаси мустаҳкамлиги деганда, банкнинг жалб қилган депозитларини ўзи учун мақбул шартларда жойлаштира олиши, банкнинг ликвидлигини таъминлашга ва банк даромадларининг барқарор ўсишига хизмат қилувчи депозит маблағлари йиғиндиси тушунилади.

Ҳозирги замонавий банк ишида тижорат банкларининг узок муддатли ва барқарор ресурс базасига эга бўлиши, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг даромадлилиги ва рентабеллигини ошириш имкониятини яратади.

Иқтисодиёти ривожланаётган аксарият давлатларда тижорат банкларига жалб қилинган депозитларнинг муддати ва жойлаштирилган ресурслари ўртасида номувофиқликнинг вужудга келаётганлиги банкларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

---

<sup>11</sup> Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. и.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. – Т., 2008. 128 б.

Мустаҳкам депозит базага эга бўлган банкларгина ўз ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, миждозларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Тижорат банкларининг жалб қилган маблағлари таркибида талаб қилиб олингунча маблағлар салмоғининг юқори эканлиги банкларга жалб қилинган маблағлардан тўлиқ фойдаланиш ва узоқ муддатли инвестицион операцияларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бироқ ушбу маблағларнинг арзон ресурс эканлиги, банкларнинг рентабеллик даражасига ижобий таъсир кўрсатади.

Банк депозит базасининг мустаҳкамлиги банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари улушининг умумий депозитлар таркибида юқори эканлиги билан белгиланади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлигини самарали бошқариш имконини яратади.

Ҳозирги кунда банкларнинг депозит базаси барқарорлиги ва етарлилигини тавсифловчи турли хил ёндошувлар мавжуд бўлса-да, уларнинг ичида энг кўп қўлланилаётган усуллар сифатида қуйидаги 1-жадвалда кўришимиз мумкин.

### 1-жадвал

#### Тижорат банклари депозит базаси барқарорлиги ва етарлилигини тавсифловчи халқаро кўрсаткичлар ва меъёрлар<sup>12</sup>

| № | Кўрсаткичлар                                       | Аниқлаш усули                         | Меъёрий кўрсаткич   |
|---|--|---------------------------------------|---|
| 1 | Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки методикаси     | ТД/ ТД+ЖД+МД*100                      | мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим    |
| 2 | «CAMELS» рейтинг тизими асосида баҳолаш методикаси | Асосий депозитлар/жами депозитлар*100 | мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 75 фоиздан паст бўлмаслиги лозим |

Халқаро банк амалиётида, ҳозирги даврда, тижорат банклари депозит базасининг етарлилигини аниқлашда икки усулдан кенг фойдаланилмоқда.

Биринчи усул, ХТТБ экспертлари томонилан ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг тавсиясига кўра, мазкур кўрсаткичнинг энг юқори чегараси 30 фоизни ташкил этиши лозим. Агар унинг амалдаги даражаси 30 фоиздан юқори бўлса, у ҳолда, ушбу тижорат банкининг депозит базаси етарли эмас, деб ҳисобланади.

Иккинчи усул «CAMELS» рейтинг тизими асосида баҳолаш методикаси бўлиб, унга кўра тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида асосий депозитларнинг салмоғи камида 75 фоизни ташкил этиши лозим.

Ҳозирги кунда банк тизими энг барқарор деб топилган давлатлардан бири АҚШ ҳисобланади. АҚШ банк тизими депозит базаси барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири, банкларнинг жамғарма депозитларининг банклар депозит базасидаги улуши орқали аниқланади. Қуйидаги 2-жадвал орқали АҚШ банк тизими депозитлари таркибини таҳлил қилиб ўтамыз.

Бугунги кунда АҚШ маҳаллий тижорат банклари депозитлари таркибини ва динамикасини ўрганиш мақсадида АҚШ Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси (FDIC) томонидан унга аъзо банклар бўйича статистик

<sup>12</sup> Маълумотлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди

маълумотлар ўрганганимизда маълум бўлмоқдаки, АҚШ маҳаллий банклари депозитлари таркибини жамғарма депозитлар ташкил қилади.

2-жадвал

**АҚШ тижорат банклари депозитлари таркиби ва динамикаси<sup>13</sup>**

(31 декабрь ҳолатига, фоизда)

| Депозит турлари                  | Йиллар       |              |              |              |              |
|----------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|                                  | 2014 й       | 2015 й       | 2016й        | 2017 й       | 2018 й       |
| Муддатли депозитлар              | 15,6         | 14,5         | 13,4         | 13,6         | 14,1         |
| Жамғарма депозитлар              | 69,4         | 70,6         | 71,8         | 71,4         | 71,3         |
| Талаб қилиб олингунча депозитлар | 15,0         | 14,8         | 14,8         | 15,1         | 14,6         |
| <b>Жами депозитлар</b>           | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |

Бугунги кунда АҚШ маҳаллий тижорат банклари депозитлари таркибини ва динамикасини ўрганиш мақсадида АҚШ Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси (FDIC) томонидан унга аъзо банклар бўйича статистик маълумотлар ўрганганимизда маълум бўлмоқдаки, бугунги кунга келиб АҚШ маҳаллий банклари депозитлари таркибини жамғарма депозитлар ташкил қилади.

Демак, юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринмоқдаки, АҚШ маҳаллий банклари депозитларининг асосий қисми, яъни ўрта ҳисобда 70 фоизи жамғарма депозитлар ҳиссасига тўғри келади ва ушбу салмоқ йилдан-йилга ўсиб бориш тенденциясига эга. Жамғарма депозитлар табиатига кўра муддатли депозитлардан арзон ресурслиги ва у бўйича тузиладиган битимларнинг эгилувчанлиги билан ажралиб туради. Шу боис АҚШ тижорат банклари актив операцияларини амалга оширишда кўпроқ мазкур депозитлардан фойдаланилиши бежиз эмас.

Диссертация ишининг «**Тижорат банклари депозит базаси замонавий ҳолати ва мустаҳкамлик даражаси**» номли иккинчи бобда тижорат банклари депозитлари таркиби ва унинг шаклланиши, мамлакатимиз ва тараққий этган хорижий давлатлар тижорат банкларининг депозит базасининг амалдаги ҳолати тадқиқ ва таҳлил қилинган, шунингдек мазкур бобда тижорат банклари депозитлари динамикаси бир қатор мамлакатимиз тижорат банклари амалий ҳисоботлари асосида келтирилган бўлиб, уларни таҳлил натижасида қатор хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 29 та турли хил мулкчилик шаклидаги тижорат банклари фаолият юритиб келмоқда. Мамлакатимиз банк тизимининг жами пасивлари 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига, мамлакатимиз тижорат банклари пасивларининг умумий миқдори 214,4 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда, банклар томонидан жалб қилинган депозитлар – 70,0 трлн. сўмни ташкил қилди<sup>14</sup>.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятлари таркибини ўрганиш ва таққослаш мақсадга мувофиқ. 3-жадвалда мамлакатимиз

<sup>13</sup> <https://www.fdic.gov>. АҚШ Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси (FDIC) расмий сайти статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

<sup>14</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди

тижорат банклари мажбуриятлари таркибини ўрганганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

### 3-жадвал

#### Мамлакатимиз тижорат банкларининг мажбуриятлари таркиби ва динамикаси<sup>15</sup>

(31 декабрь ҳолатига, фоизда)

| Мажбуриятлар                              | Йиллар     |            |            |            |            |
|---|------------|------------|------------|------------|------------|
|   | 2014 й.    | 2015 й.    | 2016 й.    | 2017 й.    | 2018 й.    |
| Депозитлар                                | 53,2       | 51,3       | 48,4       | 40,8       | 37,3       |
| Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи    | 0,37       | 0,45       | 0,4        | 0,4        | 0,27       |
| Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент     | 4,7        | 4,1        | 5,3        | 3,9        | 3,4        |
| Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент   | 0,0        | 0,0        | 0,0        | 0,08       | 0,3        |
| Олинган кредитлар ва лизинг операциялари  | 32,1       | 33,6       | 35,7       | 49,9       | 55,6       |
| Чиқарилган қимматли қоғозлар              | 1,3        | 0,9        | 1,4        | 0,1        | 0,01       |
| Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар | 0,7        | 0,6        | 0,5        | 0,7        | 1,2        |
| Бошқа мажбуриятлар                        | 7,63       | 9,05       | 8,3        | 4,1        | 2,0        |
| <b>Жами мажбуриятлар</b>                  | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> |

Мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, сўнгги 5 йил ичида мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши 53,2 фоиздан 37,3 фоизгача қисқарган. Бу тижорат банкларининг депозит базасининг заифлашаётганлигидан далолатдир. Аксинча тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида олинган кредитлар ва лизинг операциялари салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ҳолат мажбуриятларнинг мутлақ суммада ўсишини кўрсатса-да, мажбуриятлар таркибида қиммат ресурсларнинг салмоғи ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз тижорат банклари мажбуриятлари таркибида депозитлар улушининг пасайиб бораётганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

мамлакатда инфляция даражасининг сўнгги йилларда юқори суръатларда ўсиб бораётганлиги;

миллий валютанинг юқори суръатларда девальвацияга учраётганлиги;

тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларга тўланаётган фоизларнинг нобарқарорлиги;

капиталида давлат улуши мавжуд тижорат банкларини турли дастурларни молиялашга ҳаддан зиёд кўп жалб этилаётганлиги;

мамлакат банк тизими томонидан имтиёзли кредитларнинг миқдорини ошиб бораётганлиги.

Юқорида келтириб ўтилган омиллар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларида сақлашдан манфаатдорлигини пасайтирса, бошқа томондан тижорат

<sup>15</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

банкларининг депозитлар жалб қилиш амалиётига салбий таъсирини кўрсатмоқда. Айниқса, ушбу ҳолат капиталида давлат улуши мавжуд тижорат банклари амалиётида яққол намоён бўлмоқда.

2018 йил якунларига кўра капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида банк депозитларининг 76,1 фоизи тўғри келган ҳолда, капиталида давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозитларнинг улуши 2014 йил 45,8 фоиздан 2018 йилда 30,1 фоизгача тушган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда капитали таркибида давлат улуши юқори тижорат банкларининг мажбуриятлари таркибида депозит маблағларининг улушини ошириш келгусида мазкур банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.


#### 4-жадвал

### Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар динамикаси<sup>16</sup>

(31 декабрь ҳолатига, фоизда)

| Банклар                                  | Жами депозитларнинг жами мажбуриятлардаги улуши, фоизда |         |         |         |         |
|--|---|---------|---------|---------|---------|
|  | 2014 й.   | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. |
| Давлат улушига эга банклар               | 45,8  | 44,2    | 42,5    | 32,7    | 30,1    |
| Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар | 75,2  | 76,7    | 74,1    | 77,7    | 76,1    |

Шунингдек, тижорат банклари депозит базаси мустаҳкамлик даражасини белгилашда тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳити ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Сўнгги йилларда малакатимизда давлат улуши мавжуд тижорат банклари сони ортиб бормоқда. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра бундай банкларнинг сони 13 тани ташкил қилмоқда. Шунингдек, банклар томонидан жалб қилинган депозитларнинг катта қисми мазкур турдаги тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Қуйидаги 1-расмда биз малакатимиздаги 5 та йирик тижорат банкининг депозит хизматлари бозоридаги улушини кўришимиз мумкин.



1-расм. Республикадаги тижорат банклари депозит операциялари улуши (01.01.2019 йил ҳолатига)<sup>17</sup>

<sup>16</sup> Тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Мамлакатимиз тижорат банкларининг депозит жалб қилиш амалиёти таҳлили натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз банк амалиётида рақобат муҳити яхши шаклланмаган. Масалан, йирик тижорат банклари депозитлари ҳажми мамлакатимиз жами депозитларининг 50 фоизини ташкил қилаётганлиги банк тизими депозит базасининг мустаҳкамлик даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро банк амалиётида мамлакатдаги банкларнинг рақобатбардошлик даражасини аниқлашда банклар концентрациялашув коэффициентидан кенг фойдаланилади. Ушбу коэффициентга кўра, мамлакатда фаолият юритувчи 3 та йирик тижорат банкининг банк хизматлари бозоридаги улуши аниқланади. Бу кўрсаткичнинг 35 фоиздан паст бўлиши мамлакатдаги банк хизматлари бозорида рақобат муҳити яхши эмаслигини ва банк тизимида монополлашув мавжудлигидан далолатдир.

Бундан ташқари мамлакатимизда капитал бозори, жумладан, банклараро ресурс бозорининг яхши ривожланмаганлиги, тижорат банкларининг ушбу бозордан ресурс жалб қилиш имкониятини ҳам чеклаб қўймоқда.

Тижорат банклари депозитлари мустаҳкамлиги бевосита банкларга жалб қилинган депозитларнинг муддатига ҳам боғлиқдир. Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш амалиётини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Республикаимиз тижорат банкларининг депозит базаси трансакцион депозитлар, муддатли ва жамғарма депозитларини ўз ичига олади. Уларнинг депозит базаси таркиби ва динамикасини баҳолаш мақсадида қуйидаги 5-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

#### 5-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари таркиби ва динамикаси<sup>18</sup>

(31 декабрь ҳолатига, фоизда)

| Депозит турлари                  | Йиллар       |              |              |              |              |
|----------------------------------|--------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|                                  | 2014 й.      | 2015 й.      | 2016 й.      | 2017 й.      | 2018 й.      |
| Муддатли депозитлар              | 29,9         | 30,2         | 29,5         | 24,9         | 37,4         |
| Жамғарма депозитлар              | 10,6         | 11,3         | 11,1         | 11,0         | 14,1         |
| Талаб қилиб олингунча депозитлар | 59,5         | 58,5         | 59,5         | 64,1         | 48,5         |
| <b>Жами депозитлар</b>           | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> | <b>100,0</b> |

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитлари асосий қисми талаб қилиб олингунча депозитлар ҳиссасига тўғри келади, яъни 2017 йилга келиб мазкур кўрсаткич 64 фоизни ташкил қилган ва ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, ўз навбатида, республикаимиз банклари юқори ликвидлилик риски остида ишлаётганидан далолат беради. Аксинча, жамғарма депозитлар салмоғи жуда паст бўлиб, охириги йилларда деярли ўзгармаган, депозитлар

<sup>17</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди

<sup>18</sup> «Ахбор-Рейтинг» Рейтинг агентлиги чораклик нашр маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

таркибида ўртача 11 фоизни ташкил қилиб келмоқда. Демак, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жамғарма депозитлар бўйича замонавий талабларга мос ва янги жозибадор маҳсулотларини таклиф қилишлари суҳт аҳволда.

6-жадвал маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқорлигича қолди. 2016 йилда ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 54,0 фоизни ташкил қилди. 2017 йилда эса ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси 51,1 фоизни ташкил қилди. 2018 йил давомида мазкур турдаги депозитларнинг салмоғи 42,7 фоизгача пасайган. Бу эса, республикамиз тижорат банклари депозит базасининг етарли эмаслигидан далолат беради. Чунки, тижорат банклари депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги зарур.

**6-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозит базасининг таркиби ва динамикаси<sup>19</sup>**

*(31 декабрь ҳолатига, фоизда)*

| №  | Кўрсаткичлар           | Йиллар     |            |            |            |            |
|----|------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|
|    |                        | 2014 й     | 2015 й     | 2016 й     | 2017 й     | 2018 й     |
| 1. | <b>Жами</b>            | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> | <b>100</b> |
| 2. | Талаб қилиб олингунча  | 54,7       | 55,2       | 54,0       | 51,1       | 42,7       |
| 3. | 1 кундан 30 кунгача    | 5,1        | 5,3        | 5,5        | 5,4        | 5,3        |
| 4. | 30 кундан 180 кунгача  | 16,1       | 16,8       | 17,2       | 17,3       | 12,5       |
| 5. | 180 кундан 365 кунгача | 13,7       | 12,6       | 10,4       | 15,6       | 12,0       |
| 6. | 1 йилдан юқори         | 10,4       | 10,1       | 12,9       | 9,1        | 27,4       |

2011-2017 йилларда республикамиз тижорат банклари депозитлари умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғи кичиклигича қолган. Ушбу ҳолат тижорат банклари пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш операциялари ривожланмаганлигидан далолат беради. Фақатгина 2018 йил якунига кўра мамлакатимиз тижорат банкларининг муддатли депозитлари салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Муддатли ва жамғарма депозитлари халқаро банк амалиётида тижорат банклари ресурсларининг асосий қисмини ташкил этади. АҚШ ва Ғарбий Европа тижорат банкларида муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 60 фоиздан ошади.

7-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, мамлакатимиз банк амалиётида талаб қилиб олингунча депозитлардан кредитлаш операцияларини амалга оширишда фойдаланилаётганлиги банкларимиз фаолиятида трансформация рискинни кучайишига сабаб бўлмоқда. Бунинг сабаби шундаки, талаб қилиб олингунча ресурслар банк учун арзон ресурс ҳисобланиб, банклар ушбу маблағлардан узоқ муддатли кредитлаш жараёнида фойдаланмоқда.

<sup>19</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

**Мамлакатимиз тижорат банклари муддатли депозитлари  
ва узоқ муддатли кредитлари динамикаси<sup>20</sup>**

*(31 декабрь ҳолатига, фоизда)*

| <i>Кўрсаткичлар</i>  | <i>Йиллар</i> |              |              |              |              |
|--|---------------|--------------|--------------|--------------|--------------|
|  | <i>2014 й</i> | <i>2015й</i> | <i>2016й</i> | <i>2017й</i> | <i>2018й</i> |
| Кредит қўйилмалари, трлн.сўм   | 34,8          | 42,6         | 53,4         | 110,5        | 167,3        |
| Узоқ муддатли кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғи, % | 79,6          | 79,8         | 80,0         | 95,7         | 94,8         |
| Жами депозитлар, трлн.сўм  | 28,5          | 35,6         | 44,6         | 58,6         | 70,0         |
| Муддатли депозитларнинг жами депозит маблағлари таркибидаги улуши, %           | 29,9          | 30,2         | 29,5         | 24,9         | 37,4         |

Жадвалда келтирилган маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари узоқ муддатли кредитлари ва муддатли депозитлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ҳамда уларнинг барқарор ўсиш суръатларига эришиш банклардаги трансформация рискинни самарали бошқаришга хизмат қилади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитлар ҳажмини узоқ муддатли кредитлар ҳажмига мос равишда ошириб бориш имконини беради.

Таҳлил маълумотларини кўрадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари салмоғи 2014-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2014 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига тижорат банклари томонидан йўналтирилган кредитларнинг 79,6 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 94,8 фоизгача ошган. Бундан ташқари кредитларнинг мутлақ суммада ўсиш тенденцияси сўнгги беш йилда 4,8 баробарга ошган. Бу ҳолат мамлакат субъектларининг узоқ муддатли пул маблағларига эҳтиёжини ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Жадвал маълумотлари асосида банк депозитлари ва кредитларининг ўзаро мутаносиблигига баҳо берадиган бўлсак, банкларнинг депозитлари банк кредитларининг атиги 41,8 фоизини ташкил қилган. Евроҳудуд таркибига кирувчи мамлакатларда ушбу кўрсаткич ўртача 95 фоизни ташкил қилмоқда.<sup>21</sup> Шунингдек, узоқ муддатли кредитлар ва депозитлар ўртасида ҳам кескин тафовутни кўришимиз мумкин. Банк тизими узоқ муддатли кредитлари ва депозитларининг ўзаро нисбатига баҳо берар эканмиз, 2018 йилда узоқ муддатли кредитларнинг умумий суммаси 158,6 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, узоқ муддатли депозитлар 25,9 трлн. сўмни ташкил этган. Бунда банк депозитларининг кредитларга нисбати 16,3 фоизни ташкил этганлиги банкларимизда трансформация рискиннинг юқори эканлигидан далолат беради.

<sup>20</sup> [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>21</sup> <https://www.ebf.eu>-Европа банклар федерацияси расмий сайти маълумотлари

Жалб қилинган ресурслар билан жойлаштирилган ресурсларнинг ўзаро номувофиклиги банк фаолиятида қуйидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқаради:

ресурслар самарадорлигини пасайтиради ва уларни бошқаришда муаммолар юзага келтириб чиқаради;

банкларда трансформация рискинни вужудга келтиради;

банкларда ликвидлилик ва уни таъминлаш бўйича қийинчиликлар юзага келади;

банкларнинг харажатлари ошади ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади;

банкларнинг даромадлари ва фойдаси камайиши натижасида банкка бўлган ишонч ва қизиқишлар ҳам камаяди.

